

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 202 (10.507)

2005 ЙИЛ 12 ОКТЯБРЬ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 октябрь кuni Оқсаройда Россия Федерациясининг санаот бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшинни қабул қилди.

Б.Алёшин Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраисидир. У мазкур комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изхор этди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг яқинда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган учрашуви ҳам ҳамкорликнинг кўлама ва даражасини ҳар томонлама ошириш билан боғлиқ принципиал масалаларга бағишланди.

Меҳмон Ўзбекистон ва Россия

раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Ҳукуматлараро комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлиси юксак савияда ташкил этилгани ва муваффақиятли аяунланганини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси якунига етди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАР

Махлиснинг иккинчи кuni иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, турли йўналишларда ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар. Хусусан, банклараро алоқалар, ижтимоий-маданий, илм-фан ва таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида илм-фан соҳасида ҳам самарали алоқалар йўлга қўйилган. Сўнгги вақтларда фазони биргаликда тадқиқ этиш ишлари билан бу борадаги ҳамкорликнинг янги қирраси очилди. Тадбирда коинот тадқиқотларини, шунингдек, икки томонлама илмий-техникавий алоқаларни, Ўзбекистон ва Россия олимларининг ўзаро мулоқотларини янада фаоллаштириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Томонлар ўзаро ҳамкорликни бугунги кун талаблари, ҳозирги сиёсий-иқтисодий воқеалик нуктаи назардан таҳлил қилиб, келажакка йўналтирилган янги қўшма режа ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда мазкур мажлис муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

ЎЗА

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Наманган вилояти пахтакорлари тайёрлов пунктларига 261 минг тонна пахта топшириб, давлатга «оқ олтин» сотиш бўйича шартнома мажбуриятини ортиги билан адо этган ҳолда, зафар маррасини эгаллашди.

• Ўзбекистон Банклар уюшмасида «Тижорат банклари мутахассислари учун қимматли қоғозлар бозорига янги технологиялар» мавзусидаги семинар иштирокчиларига сертификатлар топширилди.

• «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти Кенгаши «Юрт равнақида менинг ўрним» мавзусида пахта йиғим-терими мавсумига бағишлаб тадбир ўтказди. Бундан ташқари, бошланғич ташкилотларда «Камолот» сафларига қабул, «Талабалик — олтин даврини» мавзусидаги тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда.

• Андижон вилояти кишлок ва сув ҳўжалиги бошқармаси билан Хитойнинг Синцзян-Уйгур автоном тумани кишлок ҳўжалиги академияси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

• Жиззах шаҳридаги 1-курулиш материаллари комбинати ўрнида эндиликда «Иморат АДА» хусусий тижорат фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда корхона ҳар ойда 200 тоннадан зиёд юқори сифатли гипсини истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Жаҳонда

• Польшада президентлик сайлови бўлиб ўтди. Сайловнинг биринчи турида ўнг партиялар етакчилари ғалаба қозонишди. Мамлакат Президенти Александр Квасневский икки ҳафтадан кейин президентлик сайловларининг иккинчи турида қизиқарли тортишувлар бўлади, деб ҳисобламолда.

• Германия сиёсий партиялари ўртасида узок давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг канцлер лавозимини ким эгаллаши маълум бўлди. Парламентда Социал-демократлардан тўрттага кўп депутатлик ўрнига эғалик қилаётган ХДП/ХСИ блокидан номзоди кўрсатилган А.Меркел канцлер лавозимини эгаллади.

• Ҳиндистонда ҳарбий ҳамкорлик амалиётида илк бор Москва ва Дехли ўртасида ҳар иккала мамлакатларнинг жанговар бўлинмалари иштирокида террорга қарши қўшма тактик машғулотлар бошланди.

• Жанубий Осие мамлакатларида рўй берган қучли зилзиладан энг кўп зарар кўрган Покистонда табиий офат оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони сўнгги маълумотларга қараганда 45 минг кишига етган.

Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси кунларида 1,1 миллион тонна пахта толасини етказиб бериш бўйича 90 дан ортик шартнома имзоланди.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ АНЪАНАВИЙ ТУС ОЛАДИ



Бу дастлабки маълумот бўлиб, шартнома тузиш ишлари давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотларига кўра, ярмаркада эришилган келишувларга биноан Тошкентда сотиб олиннадиган пахта толасининг умумий микдори 1,5 миллион тоннани ташкил этади.

Бу ҳақда ярмарканинг дастлабки натижаларига бағишланган мажлисда маълум қилинди. Аввал хабар қилинганидек, ярмарка Ўзбекистон ҳукумати томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси, жаҳоннинг энг йирик пахта бўйича ихтисослашган нашрларидан бири «Cotton Outlook» журнали билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда 26 мамлакатдан 200 дан ортик компания вакиллари иштирок этди.

Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасининг ўтказилиши Президент Ислам Каримов томонидан қўйилган ўзбек пахтасини жаҳон бозорига сотишнинг замонавий эркин механизмини яратиш вазифасини бажаришда навбатдаги босқич бўлди. Республикаимиз

халқаро пахта савдосида етакчи ўринлардан бирини мустаҳкам эгаллаб турибди. Ўзбек пахтасининг сифати бутун дунёга машҳур, уни ўнлаб мамлакатлар харид қилмоқда. Бу борада пахта этиштириш, тайёрлаш, сақлаш ва транспортировка қилишнинг таъминлаш, бозор конъюнктурасига қараб экспорт нархларини белгилаш тизими шакллантирилди. Бу эса чет эллик хариддорларнинг шартномалар тузиши учун қулай шароит яратмоқда. Ўзбекистоннинг ҳамкорлари икки бозоримизда ўзини эркин ҳис қилмоқда. Шундай бўлса-да, пахта этиш механизмининг такомиллаштириш давом этмоқда. Тошкентда ўтказилган ярмарка бунинг эркин исботидир. Унда тадбиркорлардан ташқари пахта бозорига мониторинг билан шуғулланувчи хорижий таҳлилчилар, экспертлар ҳам иштирок этди. Уларнинг тадқиқотлари Ўзбекистонда пахтачилик соҳаси катта салоҳиятга эга эканини тасдиқлади.

Давоми 3 - бетда.

ПОЙТАХТНИНГ ОЛТИ КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТНАРДА

• **КЕЧА** Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида «Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи» мавзусида бўлиб ўтган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

• **БҮГҮН** Учтепа туманидаги «Ният сервис» ширкати ташаббуси билан ширкат худудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

• **БҮГҮН** Юнусобод туманидаги Фирдавсий маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбати «Барҳаёт анъаналар — халқ ҳаётининг тимсоли» деб номланди.

• **БҮГҮН** «Камолот» ЁИХ Бектемир туман Кенгашида туман Сардорлар кенгаши аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Камолот»

ЁИХ бошланғич ташкилотлари сардорларининг мактабдаги фаолияти муҳокама этилди.

• **КЕЧА** Миробод туманидан ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтказилган ўқув семинарида «Камолот» ЁИХ Миробод туман бўлими вакиллари, олий ўқув ортларидаги бошланғич ташкилотлар соҳа етакчилари иштирок этишди.

• **ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги санаторийлар ҳамширалари ўртасида уюштирилган кўрик-танловнинг республика босқичи нихосига етди.

• **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги Олим Ҳўжаев маҳалласида «Рамазон покланиш оyi» мавзусида тадбир ташкил этилди.

• **СЕРГЕЛИ** туманидаги 317-мактабда ўтказилган тадбир «СПИД, гиёвандлик, фохшабозлик асримизнинг чегара билмас муаммолари» мавзусига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Обуна — 2006

“ОҚШОМ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА
ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришигиз мумкин.

Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

Мажлисида 2005 йилнинг тўққиз ойи давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари таҳлил қилинди ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий эркинлаштириш бўйича комплекс вазирликлари ва идоралари олдида турган вазифалар белгиланди.

Муҳокама давомида ҳисобот даврида иқтисодий ислохотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар, жорий йилда иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини таъминлаш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Таъкидландики, 2005 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги аввалги йилларда рўй берган ижобий тенденциялар янада муостаҳкамланди.

Айни вақтда саноатнинг айрим тармоқларида ўшиш суръатлари етарли даражада юқори эмаслиги қайд этилди. Шу муносабат билан комплекс вазирликлари, идораларига тармоқ бирлашмалари билан биргаллик қисқа муддатда маъзур тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун зарур шароит яратишга қаратилган кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси топширилди.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз вақтида молиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йил эртапишар ва мўл пахта ҳосили етиштирилиши ҳамда 2006 йил ҳосили учун кузги галла экилишини ҳисобга олиб, ваколатли идоралар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг ўз вақтида ва тўлиқ молияланишини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисида Банк тизимини ислох қилиш дастурини бажариш, тижорат банкларининг ликвидлигини ошириш ва активларини кўпайтириш, кўрсатилган хизматлар даражасини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Тижорат банклариغا Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб

варақларидан нақд пул тўловларини узлуksиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»-ги қарори талабларини бажариш бўйича барча зарур чораларни кўриш ва хар чорақда Вазирлар Маҳкамасига нақд пул маблағлари тўловларининг аҳоли ҳақида ахборот бериш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, тижорат банклари, аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолиси даромадларини оширишнинг манбаларида бири

қўйилаётган монополиядаги маҳсулотлар тури ва ҳажмини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳақида топшириқ берилди.

Мажлисида таъкидландики, шу йил бошида жорий этилган жамғариб бориладиган пенсия тизими изчил фаолият кўрсата бошлади ва барча иш билан банд жисмоний шахсларни тўлиқ қамраб олди. Бу масаланинг муҳимлигини инобатга олиб, ваколатли идоралардан жамғариб бориладиган ҳисоб рақамларига тегишли маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши ҳамда уларни турли таваккаллардан ҳимоялашни таъминлаш бўйича кўшимча чоралар кўриш талаб қилинди.

Шунингдек, мажлисида иқтисодий тармоқнинг кенгайтириш таъминлашга қаратилган Хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши кўриб чиқилди.

Бошланғич қиймати босқичма-босқич пасайтириб бориладиган ҳамда инвестиция мажбуриятлари эвазига нолинчи харид қийматида сотиладиган объектлар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат мулкни хусусийлаштиришнинг ушбу соддалаштирилган усуллари қўлланилишига қарамай, айрим инвесторлар томонидан ўз мажбуриятларини вақтида бажармаслик ҳоллари мавжудлиги таъкидланди.

Мажлис қатнашчилари жорий йилга мўлжалланган Инвестиция дастури параметрларининг бажарилиши масаласини танқидий руҳда муҳокама қилдилар.

Тегишли идоралар раҳбарларининг Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни белгиланган муддатларда охирига етказиш борасида жавобгарлигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Шу ўринда келгуси йил Инвестиция дастури лойиҳасига аниқ молиялаш манбаларига эга бўлган рентабелли ва ўзини ўзи таъминлайдиган лойиҳаларни киритиш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат бошқаруви органларининг корхоналарнинг ишга солинмаган имкониятлари ҳақидаги истиқболли таклифларини кўшимча ўрганиб чиқиш кўзда тутилмоқда. Бундан мақсад, иқтисодий самарали инвестиция лойиҳаларини аниқлаш ва 2006 йил Инвестиция дастурига киритишдан иборат.

ЯКУНЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасида Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплексининг мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур мажмуага кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этган мажлисини Бош вазир ўринбосари В.А.Ғолишев бошқарди.

бўлган жисмоний шахслар, кичик корхоналар ва микрофирмаларни микрокредитлашнинг шакл ва ҳажмларини кенгайтириш тавсия этилди.

Банкларнинг эътибори аҳоли ва хўжалик субъектларига таклиф этилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш борасидаги ишларни фаоллаштириш, кўшимча қулайликлар яратиш ва банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарурлигига қаратилди.

Иш ўринлари яратиш ҳудудий дастурларининг ижроси ва жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш самардорлиги масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринлари ташкил этилишининг асосий омилларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, мажмуага кирувчи вазирлик ва идораларга маъзур соҳалар ривожланишининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг натижаларига кўра яли ички маҳсулотни шакллантиришда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушини кўпайтиришга тўққизил қилаётган сабабларни бартараф этиш юзасидан кўшимча таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, монополиядаги маҳсулот турларини биржа савдоси орқали кичик бизнес субъектларига сотиш бўйича амалдаги механизм таҳлили асосида, уни такомиллаштириш ҳамда савдога

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

10-11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси А.Аҳадовнинг маърузаси бўйича депутатлар Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 20 апрелда қабул қилинган ва Олий Мажлис Сенати томонидан 2005 йил 27 августда рад этилган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонун бўйича келишув комиссиясини тuzдидилар. Муҳокама ўтказилганидан кейин комиссия тарихида Қонунчилик палатасининг уч нафар депутатини сайлашга ва келишув тартиб-таомилларида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вакилини таклиф этишга қарор қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси Қ.Тошматов «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳаси моддама-модда муҳокама қилинганидан сўнг уни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва кўшимчалар киритилди. Депутатлар қонун лойиҳасини ик-

кинчи ўқишда қабул қилдилар.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 4-моддасига ўзгаришлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топилган ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, қонун лойиҳасининг хар бир моддаси батафсил муҳокама этилганидан кейин қонун қабул қилинди.

«Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси С.Раззоқов маъруза қилди. Депутатлар моддама-модда муҳокама жараёнида билдир-

рилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш учун қайтариш ҳамда уни Қонунчилик палатаси муҳокамасига қайта иккинчи ўқишда киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартиб-таомиллари муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов сўзга чиқди. Лойиҳа депутатлар томонидан моддама-модда муҳокама қилинганидан кейин қонун қабул қилинди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг аъзоси Ж.Ақромов «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза

қилди. Муҳокама жараёнида тушган таклифлар инобатга олинган ҳолда қонун қабул қилинди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси М.Тешабоевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Савол-жавоблар ва моддама-модда ўтказилган муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси қонунини қабул қилди.

«Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этган ҳужжатнинг асосий қондаларини муҳокама қилиш жараёнида депутатлар қонун лойиҳасини қўллаб-қувватладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

ЭЛЕКТРОН ЛУГАТЛАР:

ҚУЛАЙ ВА ОММАБОП

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим, илм-фан соҳаларига ҳам ахборотлаштириш-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётир. Бу эса ўз навбатида электрон ўқув дастурлари, қўлланмалар, наشرларга бўлган эҳтиёжнинг ортисига сабаб бўлмоқда.

«O'zbekim dasturlari» электрон наشرлар тахририяти айнан шу соҳада ўқувчи ва талабалар, тадқиқотчилар учун электрон лугатлар тайёрлашда самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу борада тахририят жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Марказий банк, Тошкент Давлат педагогика университети, Ўзбекистон Миллий университети олим ва мутахассислари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Жамоа мутахассислари томонидан тайёрланган ана шундай наشرлардан бири «Atama va iboralar lug'atlar»idir. Мазкур электрон лугат банк иши, ташқи иқтисодиёт, ҳуқуқ, иш юритиш каби соҳаларда рус тилидаги ўн минг ва ўзбек тилида, қирилл ва лотин ёзувидаги ўн тўрт минг атама ва иборани ўз ичига олган. Лугат Фан ва технологиялар маркази томонидан 2001 йилда ташкил этилган «Энг яхши дастурий маҳсулот» танловида иккинчи ўринни эгаллаган эди. Ҳозир ушбу лугат юртимизнинг турли вазирлик, муассаса ва ташкилотларида қўллаш учун тавсия этилган.

Ўтган йили тахририят «Банк, молия глоссарийи» изоҳли лугатини яратди. Унда ҳозир халқаро миқёсда ва мамлакатимизда молия тизимида кенг қўлланиладиган икки ярим минг атаманинг шарҳи берилган. Лугатда товар ва фонд бозорлари, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва минтақавий интеграцион гуруҳлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг молиявий институтлари ҳақида ахборотлар келтирилган.

120 минг сўзни изоҳлаган «Ibora» электрон лугати ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча, инглизча-русча, русча-ўзбекча ҳамда русча-инглизча таржима йўналишларидан иборат.

Айни пайтда тахририят жамоаси «Ўзбек тилининг катта орфография лугати», «Синонимлар лугати», икки ва уч тиллик эквивалент лугатлар яратиш устида ҳам иш олиб бормоқда. Номлари зикр этилган барча электрон лугатлар илмий асослангани, фойдаланиш усулининг қулайлиги билан ўқувчилар эътиборини жалб этмоқда.

**Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ АНЪАНАВИЙ ТУС ОЛАДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ярмаркада имзоланган шартномаларнинг ярмидан кўпи 2006-2007 йилги пахта ҳосили учун тузилган эътиборга молик. Бу хорижлик шерикларнинг узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга интилаётгани, уларнинг иқтисодий таъминининг барқарор ва мустаҳкамлиги бўлган ишончидан дарак беради. Ўзбек пахтасини экспорт қилиш географияси ҳам кенгайди. Масалан, Хитой, Россия, Корея Республикаси, Бангладеш, Ҳиндистон, Покистон, Вьетнам ва қатор бошқа мамлакатлар тadbиркорлари томонидан харид қилинган пахта микдори ошди. Ушбу жараёни янада ривожлантириш мақсадида пахтамызга талаб юқори бўлган хорижий давлатларда йirik омбуллар ташкил этишга қарор қилинди. Ярмаркада хитойлик шериклар билан ана шундай омбул ташкил этиш тўғрисида шартнома тузилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси товар-хوماёб биржаси ва Москва Фонд биржаси ўртасида ҳамкорликда фаолият юритиш тўғрисида шартноманинг имзоланиши ярмарканинг мухим натижаларидан бўлди. Чунончи, ушбу шартномага мувофиқ, Москвада ўзбек пахтасининг бўлажақ истеъмолчилари учун УЭРТХБнинг савдо майдончаси ва консигнация омбури

ташкил этилади. Шартнома ҳар икки мамлакат биржалари технологиялари асосида ҳукуматлараро товар маҳсулоти ва молия бозорини яратишга хизмат қилади.

Ярмарка иштирокчилари республикамиз жаҳон бозоридега сотишни мўлжаллаётган пахта толаси навлари билан батафсил таништирилди. Бунинг учун махсус экспозиция ташкил этилди. Бундан ташқари, чет эллик тadbиркорлар ва савдо агентлари Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Уфқ» фермер хўжалиги ва Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги номидаги пахта заводи, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида жойлашган «Тошкент-Тола» ҳудудий пахта терминалида бўлди. Улар Ўзбекистон пахтачилигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида юз берган илмий ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи бўлди.

— Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси юксак савияда ташкил этилди, — дейди Ҳиндистоннинг «Компитент Груп оф Компаниз» компаниялари уюшмаси вице-президенти Хананжит Сингх Сахдев. — Музокаралар жуда самимий руҳда ўтди. Биз пахта толасини ишлаб чиқариш жараёни ва халқаро стандартларга мос келаётган савдо шартлари билан танишидик. Ўзбекистон пахта ярмаркаси илк бор ўтказилганига қарамай,

унда ташкил этилган тadbирлар савияси Ливерпулдагидан кам бўлмади. Фиримча, ушбу ярмарка Осиеб пахта бозоридега мезон вазифасини ўтайди. Биз Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг етакчиларидан бири эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасидаги иштирокимиз жуда самарали бўлди, — дейди Россиянинг «Стэп Плюс» ёпиқ акционерлик жамияти директори Александр Логинов. — Кўп микдорда пахта толаси етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Энди уни бошқа мамлакатлардаги трейдерлар орқали эмас, балки бевосита Ўзбекистоннинг ўзидан оладиган бўлди. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади, деб умид қиламан. Жаҳон пахта бозорига катта воқеага айланган ушбу ярмарка яқунлари ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишига ишонч бағишлайди.

— Тошкентда турли мамлакатларнинг кўпбал компанияла-

ри вакиллари пахта толасини сотиб олиш билан боғлиқ барча масалаларни амалий ва бевосита муҳокама қилиш имконига эга бўлди, — дейди Халқаро пахтачилар ассоциацияси вице-президенти Питер Вэйкфилд. — Ўзбекистон пахта ярмаркасини мунтазам ўтказишга қарор қилинганидан жуда мамнунман.

Ҳақиқатан ҳам, энди Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси аънаваный тус олади. Биринчи Ўзбекистон пахта ярмаркаси ташкилотчилари ва иштирокчилари шундай фикрга келишди.

**А.ИВАНОВА,
О.НОРБЕКОВ,
Ф.САЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**



Тиббиёт

ТўНГИЧ ШИФОБАХШ ДАРГОҲ

Мамлакатимиздаги тўнғич шифокор кадрлар ўчоқларидан бири ҳисобланган П.Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежи иш бошлаганига 70 йил бўлди. Шаҳар тез ёрдам клиникаси ҳузурда ташкил топган бу даргоҳда ҳозир ҳамширалик, акушерлик ва даволаш иши йўналишларида малакали ёш шифокорлар тайёрланмоқда.

Коллеж республика тезкор тиббий ёрдам илмий маркази, республика ихтисослашган жарроҳлик маркази каби йирик муассасалар билан яқин алоқа ўрнатган. Бу ерда ўқув ресурслари маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Шу сана муносабати билан ўқув маскани босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи илмий тўплам тайёрланди.

ВАКОЛАТХОНАНИНГ ТАЖРИБА МАКТАБИ

«Гедеон Рихтер» кимё-фармацевтика заводида тайёрланаётган доридармонлар бир неча хилдан иборат бўлиб, муолажаларда кенг қўлланилмоқда. Эндиликда бу нуфузли корхона Ўзбекистонда ҳам ўз ваколатхонасига эга.

Бу ваколатхона республикамиздаги 30 дан ортиқ клиникалар билан яқин алоқа болаган. Инсонларварлик ёрдами кўрсатиш йўлида ҳам саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида эса «Гедеон Рихтер» мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бемор аёллар учун иккита даволаш хонаси ҳам очилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ЭЪТИБОР

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида соғлом ёшликни таъминлашга қаратилган тиббий тadbирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг тadbирлар режиси бўйича эса «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» деган мавзуда методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Соғлом турмуш тарзи фалсафаси бўйича Шарқнинг буюк мутафаккирлари маънавий меросини ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришга киришилди. Ўқувчилар, ота-оналар, педагог ва тарбиячилар учун эса «Шахсий гигиена ва санитария қоидалари» ишлаб чиқилди. «Саломатлик дарслари»га кўпгина ёшлар жалб этилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Мамлакатимизнинг амалдаги Жиноят кодексига (51-моддаси) бу жазо тури умий тизимга киритилган ва махсус жазо ҳораси деб аталади. Чунки у инсоннинг табиий ҳуқуқларидан энг асосийси бўлган яшаш ҳуқуқига тааллуқли бўлиб, бу ҳуқуқ халқаро меъёрлар ва Конституциямиз билан ҳимоя қилинади. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида демократик жамият қуриш йўлини танлади ва ҳар бир шахсни ҳаётнинг барча соҳаларидаги турли хил таъжовузорликлардан ҳимоя қилиш учун ишончли ҳимоя тизимини яратди. Конституциямиз ва Жиноят кодексига (1998 йил, 2001 йил, 2003 йилдаги ўзгариштириллар ва қўшимчалар билан) ҳар бир шахс ушбу ҳуқуқ билан кафолатланган.

Мамлакатимиз Жиноят кодекси қонунчилиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлларига асосланади. (ЖКнинг 3-моддаси)

Жиноят кодекси 5-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, ўлим жазоси аёлларга ва 18 ёшгача бўлган жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Ҳолбуки, айрим ривожланган мамлакатларда олий жазо 17 ёшли шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси, ҳукмларни тайинлашда йўл қўйилган ҳатоларни тузатиб бўлмайдиган, қайтарилимайдиган ягона чора ҳисобланади. Масалан, АҚШ судлари томонидан 349 нафар шахсга нисбатан нотўғри ўлим ҳукми чиқарилган ва улардан 23 таси ижро этилган.

Бундай ачинарли мисолларни яна кўпбал келтириш мумкин.

Шуни айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 140-моддасига мувофиқ, ўлим жазоси ҳавф солаётган айбланувчи ишнинг маслаҳатчилар ёки уч нафар малакали судьялар таркибидеги ҳайъат иштирокида қўриб чиқиш тартибини белгилаш лозим. Бу ўлим жазосини тайинлашда суд ҳатоси истисно қилинишининг ишончли кафолатидир.

Бундан ташқари, муҳофаза этиш ўлим

жазоси кўзда тутилган жиноятлар доирасини белгиловчи Жиноят кодексига ҳам ўлим ҳукмининг тайинлиши мумкин бўлган алоҳида шартлар ўз аксини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳаёт инсонларга Оллоҳ томонидан берилган ва ҳеч ким уни ҳаётдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар замирида жиноят, жиноят-процессуал қонунчилик ва жиноят жазо тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш мақсади муассамлашган.

Хусусан, «Жиноят жазоларнинг эркин-

публикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Президент Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармон мазмун-моҳиятида инсонпарвар жамиятда инсон ҳаёти олий қадрият ҳисобланади деган олийжаноб ғоя ўз аксини топган. Зотан, инсоннинг ўзи жамиятга ўзининг яшаш ҳуқуқини бериши мумкин эмас ва унинг ўзи ҳам ўз ҳаётини тасарруф қилиш имкониятидан маҳрум.

Қолаверса, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Президент Фармони фақат Ўзбекистон Республикаси учун эмас, балки бутун жаҳон жамияти учун ҳам энг долзарб масала ҳисобланади. Мазкур Фармон шу тўғрисидаги БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари Бутунжаҳон декларацияси (1948 йил), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1996 йил), Ижтимоий ва Иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (1996 йил), Инсон ўлчовлари тўғрисидаги Европа конвенцияси ва бошқа халқаро меъёрларга тўлиқ мосдир.

Шу муносабат билан Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодексига ўзгариштириллар ва қўшимчалар киритиш зарура.

Шу муносабат билан Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодексига ўзгариштириллар ва қўшимчалар киритиш зарура.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони 2008 йил 1 январдан қучга кириши белгиланган. Шу муносабат билан биш ташвиқот-тарғибот ишларини ҳеч бир «мавсимий» ҳолат деб тушунамаслик учун изчил равишда ушбу белгиланган муддат етиб келгандан сўнг ҳам олиб борилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилмоқда.

**Козимжон КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар
Адлия бошқармаси бошлиғи**

Дармон ва ижро

ИНСОН ҲАЁТИ – ДАХЛСИЗ ҚАДРИЯТ

Ўлим жазоси – энг қадимий жазо турларидан биридир. У қадимда барча халқларда амал қилинган қасос олиш одатидан келиб чиққан. Ушбу жазо турининг ҳуқуқий мазмуни айбдорга нисбатан суд қарори билан ўлим ҳукмини чиқариш ҳисобланади.

лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгариштириллар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ жиноятлар таснифи ўзгаририлди. Уларнинг аксарияти озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турлари ва яраштириш институти билан алмаштирилди.

Энг муҳими, ўлим жазосини қўллаш доираси аста-секин қисқартирилиб борилди. Жиноят кодексига ўлим жазоси кўзда тутилган моддалар 1994 йилда 13 моддага, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда 4 тага каймайтирилди. 2003 йилда жиноят қонунчилигини эркинлаштириш бўйича тadbирлар мажмуаси амалга оширилгандан сўнг ўлим жазосининг фақат оғирлаштирувчи ҳолларда қасддан одам ўлдирishi ва терроризмга нисбатан қўлланилиши белгиланди.

2005 йил 1 августда «Ўзбекистон Рес-



Мамлакатимиз ўзининг кўпмиллатлилиги, дўсту кадрдонларига бойлиги билан ажралиб туради. Буни сиз ушбу суратларда акс этган гўзал, бахтиёр чехраларда кўришингиз мумкин.



ХАНДАЛАР

— Дўхтир, касбингизнинг энг қизикарли жойи нимада?
 — Беморнинг энг суйган таомини чамалаб билишда.
 — Буни билишнинг нима кераги бор?
 — Худди ўша таомдан парҳез қилишни буюриш учун...

 Бола йиғлаганича онасининг олдида борди.
 — Нима бўлди, ўғлим? — сўради она.
 — Дадам болға билан қўлини қашиб олди?
 — Унда нимага сен йиғлаяпсан?

 Хотин эрига деди:
 — Мен бугун кимни учратдим, биласанми? Олғани!
 — Хўш, нима бўпти?
 Менга кимни учратганини кўзиги йўк.
 — Тўғри-ку-я, лекин унинг машинаси, бизникиям металлomagа топшириш керакда.

 Бир жухуд раввин (рухоний)га арз қилди:
 — Товуқларим ўлиб қоляпти, ҳазрат. Нима қилсам экан?
 — Нима билан боқаётгандинг?
 — Сув билан.
 — Сувга туз қўшиб бергин, жуда яхши бўлади.

Бир неча кундан кейин жухуд яна келди.
 — Товуқларим барибир ўлиб қоляпти.
 — Канақа дон берятувдинг?
 — Тарик берятувдим.
 — Бир оз ширинлик қўшиб бергин.
 Жухуд яна келди.
 — Товуқларимнинг ҳаммаси ўлиб бўлди-ку, ҳазрат?

— Эҳ, аттанг, ҳали кўп маслаҳатларимни айтиб улгурмовдим-а...

 Чет элда ишлаётган бир йигит дўстига хат ёзаяпти: «Ишларим яхши. Биламан, сеникининг мазаси йўк. Майли, хафа бўлма, мен сенга ёрдам бериб тураман. Шу хат орқали ҳам юз доллар юбормоқчи эдим, лекин минг афсуски, конвертни елимлаб қўйибман...»

 Стадионда:
 — Нима учун сен футболга боришни ёқтирасан?
 — Уйда хотиним менга қараб бақиради, дўконда сотувчи, ишда эса бошлиқ. Футболда эса асична мен, ҳаммага қараб бақираман.

 Ёшгина набира бобосидан сўраяпти:
 — Нима учун тўйда келин билан куёв қўл ушлашиб юради.
 — Бу шунақанги одат. Боксчилар ҳам жанг олди-дан бир-бирининг қўлини сиқишади-ку, шунга ўхшаш...

 — Ўрток гувоҳ, судланувчини яхши танийсизми?
 — Ҳа, биз банкда ўзга ишлаганмиз.
 — Қачон?
 — Икки ой олдин. Тахминан тунги соат учларди...

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан
ТЕЗКОРЛИК — ИШ УНУМИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Ёрдамга муҳтож инсонларнинг оғир кунларида ёнларида бўлиш, мушкулларини осонлаштириш энг шарафли, савобли ишдир. Шундай шарафли касб эгалари бўлган Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарувчи-халоскорлари туфайли юзага келиши мумкин бўлган инсон саломатлигига шикаст етказувчи фавқулодда вазиятларнинг олди олинмоқда. Ана шундай қалтис вазиятларни жуда кўп мисолларда кўриш мумкин.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 4-автотбус бекети охирида ЛАЗ русумли, давлат рақами 10 АС 302, 3-автокороҳонанинг 4-йўналишида қатновчи автобуси дарактага урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлиги, ҳайдовчи қисилиб қолганлиги ҳақида фуқаро Тошмухамедовдан хабар тушди. Лейтенант Азизбек Жалилов бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчилари томонидан махсус кесувчи асбоб орқали автоулов эшиги очилиб, ичидаги одамнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Шу кун Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Мирзо Улугбек тумани, Марказ-1, 1-уйнинг 8-қаватида лифт эшиги қулфланиб, ичкарида 3 нафар ёш қизалоқ қрилиб кетганлиги ҳақида фуқаро Хожаевдан хабар туш-

ди. Лейтенант Азизбек Жалилов бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси Баҳодир Исқоков эшик билан воқеа жойига етиб бориб, махсус кенгайтирувчи асбоб орқали лифт эшигини очиб, қизчаларни соғ-саломат ота-оналарига топширдилар. Ота-оналарининг қувончларини кўрган кутқарувчиларнинг шу кунги чарчоғи аригандай бўлди. 4 сентябрь кун Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Ҳамза тумани, Бойсун кўчасидан оқиб ўтувчи Корасув каналда одам жасади борлиги ҳақида туман ИИБ тезкор навбатчисидан хабар тушди. Катта лейтенант Хусан Бобонов бошчилигида «Сувда кутқарув гуруҳи» кутқарувчи-ғаввослари томонидан сувдан 50-55 ёшлардаги номаълум эркак жасади олиб чиқилди ва Ҳамза тумани ИИБ ҳодимларига топширилди. Бошқарманинг тезкор

навбатчи қисмига Собир Раҳимов тумани, Қорақамш 2/4, 35-уй, 35-хонадон эшиги қулфланиб, ичкарида газ плитаси ёқиб ҳолда қолиб кетганлиги ҳақида фуқаро Аҳмедовдан хабар тушди. Лейтенант Азизбек Жалилов бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси Дилмурод Тиллабоев томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилиб, ёнғиннинг олди олинди.

Захарли илоннинг мактабда пайдо бўлиши нақадар хавfli эканлиги ҳаммага маълум. Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 8-уй, 166-мактабнинг синф хонасида захарли илон борлиги ҳақида фуқаро Литвилова хабар берди. Зудлига билан лейтенант Азизбек Жалилов бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчилари томонидан захарли илон ушланди ва ўкувчилар хавфдан кутқарилди.

Тезкор навбатчи қисмига Юнусобод тумани, 8-даҳа, 7-уй, 23-хонадон эшиги қулфланиб, ичкарида кекса эркак киши касал ҳолатда қолиб кетганлиги ҳақида профилактика инспектори капитан А.Бердидёровдан хабар тушди. Ўрнидан тура олишга ҳоли бўлмаган шахсни лейтенант Азизбек Жалилов бошчилигидаги «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси Музаффар Маҳмудов махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшигини очиб бериб кутқариб олди.

Хусния ТОҶИБОЕВА,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими

Табиаат ажойиботлари

ЯШАБ КЕТИШ ЭХТИМОЛИНИ ОШИРАДИ

Ер юзида яшаётган барча жонзотлар, бактериялар, ўсимликлар ва ҳайвонлар жинсий йўл билан кўпаяди, баъзиларининг кўпайиш йўли бошқача. Нимага шундай деган саволга бирданига жавоб бериш қийин, ножинсий йўл билан кўпайиш анчагина жўнқ-у.

Нимага минг-минглаб организмлар кўпайишининг қалтис усулини танлаганлар, бунда эркак ва ургочи жинсий ҳужайралар ҳосил бўлиши ва вақти келганда улар қўшилиши керак бўлади. Жинсий йўл билан кўпайишнинг асосий афзалликларидан бири шундаки, бу турнинг яшаб кетиш эҳтимолини оширади.

Шундай жониворлар борки, улар тана бўлақларига парчаланиб, яъни регенерация йўли билан кўпаядилар. Масалан, денгиз юлдузи танасининг истаган бир бўлагини ажратиб ташласангиз ундан янги организм пайдо бўлади.

Баъзи бир ҳолларда жинсий кўпайиш усулларининг биологик афзаллигини тушуниш анча қийин. Масалан, бешиктебратарнинг ургочиси урчиш чоғида эркагининг калласини узиб олади. Ушбу усулнинг мураккаблиги ва ҳаттоки қалтислигига қарамаздан бундай кўпайиш усули турнинг ривожланиши учун умуман олганда фойдали экан. Гап шундаки, жинсий йўл билан кўпайишда генетик махсулотларнинг ўзига хос миллион хил комбинациялари юзага келади. Бир-бирига ўхшамаган ота-онадан пайдо бўлган ана шундай авлодлар кейинги бўғинлар учун турли-туманликни, ҳар хилликни таъминлайди. Ножинсий усул билан кўпайишда эса ана шундай турли-туманлик намоён бўлмайди.

Айтганимиздек, баъзи бир ҳайвонлар урчинидан сўнг ургочиси эркагини еб қўяди. Канибализм ҳодисаси— табиий танлаш туфайли пайдо бўлган ана шундай ўзига хос хулқ-автор афтидан насл-насабни давом эттириш учун фойдали бўлса керак. Канибализм турнинг яшаб кетиш эҳтимолини оширади, шунинг учун ҳам ана шундай ўзига хос хулқ-автор учун сабабчи генлар кейинги авлодларга кўчади.

Ўз-ўзидан савол туғилади, турнинг яшаб кетиш учун канибализм шунчалик фойдали экан нима учун бундай ҳодиса чекланган турлардагина учрайди? Қандай вазиятда эркаги ўзини ем бўлишига қўйиб беради? Нима учун у ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмайди? Ҳозир олимлар айна шу масала тўғрисида изланмоқдалар.

Кембриж университети олимларининг кашфиётига кўра ҳашаротлар орасида энг хулқи бузук хонқизи экан. У жинсий алоқага шу даражада тобе эканки, бу уларнинг кундалик ишига айланган. Хонқизи ўта енгил-таклик билан иш тутгани учун улар кўпична таносил касалига чалинар экан. Бундай касаллик тез тарқалиб кетиши натижасида урғочиларида канибализм хусусида пайдо бўлар экан.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

“ORGTEXLOYINAQURILISH” очик АКЦИЈДОРЛИК ЖАМИЈАТИ Қузатув кенгашининг 2005 йил 5 сентябрдаги Мажлисининг муҳим фактлари тўғрисидаги маълумот. “ORGTEXПРОЕКТСТРОЙ” очик акциядорлик жамиятининг 1996 йил 19 июлда Қ0403 сон билан рўйхатга олинган эмиссия рисоласига Қимматли қорозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2005 йилнинг 10 октябрда ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида маълум қиламиз:
 “ORGTEXLOYINAQURILISH” очик акциядорлик жамиятининг фирмали номи кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўзгартирилди.

Тошкентда Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, халқ ижодиёти ва маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳамкорлигида “Барҳаёт наволар” туркумидан карнай-сурнай, қўшнай, бўламон, чанковуз, сибизга сингари миллий чолғу созлари ижрочиларининг Республика кўрик-танлови ўтказилди.

БАРҲАЁТ НАВОЛАР

Мақзур танловни ўтказишдан мақсад, бугунги ёшларнинг қадимги миллий чолғуларга бўлган қизиқишларини кўнғайтириш, ноёб чолғу асбобларида куйлар ижро этувчи ёшларни бой музикаий меросимизга ошно этиш, ҳали номлари кўпчиликка таниш бўлмаган янги иқтидорли ижрочиларни кашф этиб, уларнинг ижодини тарғиб этишдан иборат.

Танловнинг дастлабки босқичлари август ойида мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларида, вилоятларида бўлиб ўтган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида голиб деб топилган ижрочилар Республика босқичида қатнашди.

Танловда карнай-сурнайчилар ансамблиари, яқкаҳон созандалар қадимий халқ маросимларида ижро этилган, ноёб, деярли унутилаёзган куйларни, шунингдек замонавий басторлар асарларини ижро этишди.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Глиэр номи маданият уйи қошидаги “Наво” карнай-сурнай гуруҳи ижросидаги карнай-сурнай наволари, Навоий вилояти Хатирчи туманидан ташриф буюрган Нурилла Ерқулов ижросидаги чанковузда ижро этилган куйлар, Қашқадарё вилоятидан келган Сафарали Иброҳимов ижросидаги сибизга наволари, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани маданият уйи қатнашчиси Матрасул Матқубов бўламон созида ижро этган куй, Хоразм вилоятидан келган Йўлдош Тожиёв ижросидаги қўшнай навоси нафақат тингловчиларга, балки, нуфузли ҳақамлар ҳайратига ҳам манзур бўлди. Улар танловнинг биринчи ўринларига муносиб деб топилди.

Танловнинг биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлари соҳиблари бўлган голибларнинг яқинловчи концерти Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтди.

Танлов голиблари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Олтин мерос”, “Маҳалла” жамғармаларининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.
 “Туркистон-пресс”

Спорт

Ўқув-семинари ўтказилди

Бразилияда футбол энг севимли спорт тури ҳисобланса, ушбу мамлакатда ўзбек курашига нисбатан қизиқиш ҳам тобора ортиб бормоқда. Буни жаҳон чемпионатлари ва бошқа нуфузли турнирларда бразилиялик полвонлар мунтазам равишда совринли ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам исботлаб турибди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Бразилия кураш федерацияси ташаббуси билан ушбу мамлакатда уч кун давомида ўзбек кураши бўйича ўқув семинари бўлиб ўтди. Университетда талабалар ва мураббийлар иштирокида ўтказилган семинарда ўзбек кураши тарихи, аънаёлари, унинг бугунги кундаги ривож хусусида сўз борди. Миллий спорт туримизидан барча қитъаларни забт этгани ҳолда спорт оламидаги энг нуфузли мусобақа — Олимпиада дастурига киритиш йўлида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, бошқа яккакураш турларидан фарқи томонлари, усулларининг ўзига хослиги семинар қатнашчиларига батафсил тushутириб ўтилди.

Ўқув-семинари доирасида ҳакамлар учун ҳам семинар уюштирилиб, унда кураш қоидалари ва киритилган ўзгаришлар айтиб ўтилди.

МАМЛАКАТИМИЗДАН ҲАМ НОМЗОД БОР

Осиё футбол конфедерацияси қитъанин 2005 йилдаги энг яшар футболчиси бўлиши мумкин «юлдуз»лар рўйхатини эълон қилди.

Албатта, етакчи мутахассислар томонидан аниқланган номзодлар ҳақиқатан ҳам барча ишқубозларга таниш бўлган, ўз бетакрор маҳоратлари билан муҳлислар кўнглини хушнуд қилиб келаётган чарм тўп усталиридан иборат. Рўйхатга назар ташлар эканмиз, Ли Юнг Ре, Парк Жи Сунг (Жанубий Корея), Шунсухе Накамура, Хидетoshi Накаата (Япония), Али Каримий, Жавад Некунам (Эрон), Сами Ал-Жабр, Мабрук Зайд (Саудия Арабистони) каби қитъа юлдузлари орасида ҳамюртимиз Максим Шацких ҳам борлигини кўрамиз. Биз «Динамо» (Киев) ҳамда Ўзбекистон терма жамоаси таркибиди қайролий ўйин кўрсатиб, ажойиб голларни киритаётган юртимиз футбол тарбияланувчисига мураккаб танловда омад ёр бўлишига тилақдошим.

2005 йилдаги Осиёнинг энг яшар футболчиси номини қитъанин 45 мамлакат терма жамоалари мураббийлари ҳамда Осиё футбол конфедерацияси ихроия қўмитасининг 20 нафар аъзоси овоз бериш йўли билан аниқлашди.

(Ўз муҳбиримиз)

Тошкент шаҳар ҳокимияти «Ягона бюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси раҳбарияти ва жамоаси компания директори уринбосари Баҳромжон Улмасович Юнусовга валидаи муҳтарамаси **НАФИСА** аянин вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



2005 — Сихат-саломатлик йили

ШИФОКОРЛАР ИБРАТ КЎРСАТИШДИ

Жаҳон табиати ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшган улуғ алломаниз Абу Али Ибн Синонинг «Меъёр билан жисмоний тарбия қилган одамга дард яқинлашмайди» деган ўғитлари ҳаётда синалган бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз ижобий томонларини намойн этмоқда. Жамоатчилик ўртасида жисмоний тарбия ва спортга бўлаётган катта эътибор ҳам фикримиз далилидир.

Бинобарин, Собир Раҳимов туманидаги «Истиклол» спорт мажмуасида Тошкент тиббиёт академияси ташаббуси билан Сихат-саломатлик йилига бағишлаб ўтказилган мусобақалар одатдагидан ўзгача кўринишга эга бўлди десак муболага бўлмайдими.

— Мазкур беллашувларда 40 ёшдан 75 ёшгача бўлган профессору доцентлар, олий тоифага ўқитувчи-педагоглар иштирок этиб ўзaro куч синаштириш ва бу мусобақаларнинг фарқи томонини шундаки, ўз устозларини талабалар қизғин қўллаб-қувватлаб туриши, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ректори академик Шавкат Каримов. — Қолаверса, бундай тадбирини ўтказишдан мақсад авваламбор ёшларимизга ҳар томонлама ўрнат бўлиш билан бирга, шунингдек спортнинг инсонлар саломатлигида нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир қарра амалиётда — бевосита шифокорлар томонидан эътироф этилаётгани орқали кенг омма орасида тарғиб қилишдир.

— Бу тадбирга академия томонидан бир йил давомида тайёргарлик кўрилиб, беллашувлар босқичма-босқич икки ҳафта давомида ўтказилди, — дея изох берди, «Эскулап» жамоаси сардори профессор Октябрь Тешаев. — Ҳар бир инсон ўз саломатлиги устида шахсан ўзи қайғуриши, яъни тўри овқатланиши, чекишдан ҳамда спиртли ичимликдан воз кечиш, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб туриши лозимдир.

— Устозларимизнинг майдонда югуришларини кўриб, очиги жуда қувониб кетдим, нимага деганингизда, биз, талабалар, академияда асосан жиддий, хотиржам ва салобатли қиёфаларини кўрамиз. Бу ерда эса аксинча. Кимдир югурган, яна кимдир ҳамкасбларига хайрихо бўлиш ниятида ич-ичидан бор овозини чиқариб қўллаб-қувватламоқда, — дейди тиббиёт педагогика факультети талабаси Сабоҳат Бозорова.

Мусобақада академиянинг даволлаш, тиббий педагогика, тиббий профилактика, стоматология, олий тоифадаги ҳамширалик факультетлари ўқитувчилари ҳамда учта клиника шифокорлари, тўққизта жамоага бўлинган ҳолда мини-футбол, волейбол, югуриш, стол тенниси бўйича куч синаштирилди. Албатта, спортда кимдир ғолиб бўлади, кимдир эса мағлуб, лекин Тошкент тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган бу тадбирдан кўзланган мақсад, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, соғлом турмушда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамиятини янада тарғиб этишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда кўтаринки руҳда бўлиб ўтган



беллашувларнинг ҳар бир иштирокчиси Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шахло ҲОШИМОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Тоҳир Нигматуллин олган сураатлар

Мунажжам башорати

ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАР САРИ

13 ОКТАБЬР, ПАЙШАНБА

Куннинг рамзи - ҳаётини куч-қудрат, муҳаббат ва ижод ҳамозанглигида олган интилиш. Бугунги кун ўз ижодини жонлантириш, ўлмас асарлар яратиш ёки шунчаки соғлом фарзандлар дунёга келтириш билан нишонланиши керак.

Шулари башорат қиларкан, мунажжам С. Ильичёв мазкур пайшанбани абадиятга интилувчи чинакам ижодий ташаббуслар, сафарлар, жойдан-жойга ўтиш, келажакни ўйлаб дарахт кўчатлари ўтказиш кўни деб таъкидлайди. Шундай қилиб, бугун сафарлар, шаҳар ташқарисига саёҳатлар, ҳуқуқшунослар билан мулоқотлар, инвестициялар ва қишлоқ ҳўжалиги ишлари самарали бўлади.

Тасодифдан чироқ ёки оловнинг ўчиб қилиши бугун ноҳуш аломатлардан ҳисобланади. Бу-ҳасталикларга дучор бўлиш ёки ижодий йўқотишлардан огоҳлантиришдир. Бу кеча кўриладиган барча тушларингиз яшилликка қаратилган бўлади. Айниқ-

са ўсимликлар, мевани ёки очилаётган гулни кўриш хурсандчиликлар келтиради. Бугун иссиқ сув шифобахш қудратга эга бўлади - ҳаммомга тушиш ёки қайноқ ванна қабул қилиш фойдали. Кўпроқ суюқлик истеъмол қилиш тавсия этилади. Дори-дармонлар ва спиртли ичимликлардан ўзингизни тортинг — жигар ва асаб тизимингизни эҳтиёт қилинг.

Кийим-кечаклардан оқ, сарик, олтин ранглилари кўпроқ бугунги кун руҳига мос келади. қорамтир ранглардан нарироқ бўлинг.

БУГУН:

- ҳар қандай ишни ниҳоясига етказиш;
- яқунлар чиқариб, ҳисоботлар тайёрлаш;
- хизмат сафарларига, жамоа бўлиб саёҳатларга отланиш;
- тахлийли қўбиялтингиз ва ижодий тафаккурга мойиллигингизни намойн этиш;
- ҳуқуқшунослар маслаҳатини олиш;
- молиявий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш;
- жамоат иши билан машғул бўлиш;
- уйингизга фойз киритиш ҳамда томорқадаги ишларини ниҳоясига етказиш тавсия этилади.
- Худбинлик ва манмалликни намойн этишдан ўзингизни асранг.

Футбол

МУҲИМ УЧ ОЧКО

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 22-тур беллашувлари муҳлисларга кутилмаган натижаларни ҳада этди.

Миллий терма жамоамизнинг Баҳрайн терма жамоасига қарши жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг плей-офф баҳсида иштирок этганлиги муносабати билан «Пахтакор» — «Машъал» учрашуви бошқа кунга қолдирилди. Шунинг айтиши жоизки, шахримизнинг яна бир жамоаси «Трактор»га ушбу турда омад қилиб бокди. Турнир жадалининг қуйроқ погоналарида бораётган «трактор»чиларга галаба сув билан ҳаводек зарур эди. Шу боисми, «Тупаланг» жамоасига қарши меҳмонда тўп сурган тошкентлик футболчилар уюшқок ҳолда ҳаракат қилишди. Тўп билан муомала қилишда, майдон марказини эгаллашда, тўпни бир-бирига аниқ узатиб, рақиблар дарвозасига хавфли ҳужумлар уюштиришда майдон эгаларидан устунлик қилган Вадим Абрамов шогирдлари учрашуви 2:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Муҳлисларга қувончли онларни ҳада қилган голларни дарвозаларга «Трактор»дан Абрамов, Умурзоков, «Тупаланг»дан Бозоровлар йўллаган муваффақ бўлишди. Чемпионликда даввогар жамоалардан бири — «Насасф» эса Фарғонада «Нефтчи»га 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб, муҳим очколардан маҳрум бўлди.

Қолган беллашувларда қуйдаги натижалар қайд этилди. «Бухоро» — «Навбахор» — 2:3, «Металлург» — «Қизилқум» — 3:1, «Самарқанд» — «Динамо» — «Сўғдиёна» — 3:2, «Локомотив» — «Шўртанг» — 1:2.

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 23-тур учрашувлари 15 октябр кўни бўлиб ўтади.

Акбар Йўлдошев



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма табоқ оғсат усулида босилади.
2496 нусxada босилади. Қўроз бегини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бонқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўналари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрий-матбаа акционерлик компанияси бошқомонси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.